

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий  
кўрсаткичлар**

	Млрд. сўм	2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	28186,2	109,5
Саноат маҳсулоти	18314,7	112,1
Истеъмол товарлари	5312,4	118,8
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	8988,9	106,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5479,7	122,9
Қурилиш ишлари	2593,2	115,7
Юк айланмаси, млрд.тн-км	78,9	107,5
Йўловчи айланмаси, млрд.йўловчи.-км	56,5	113,5
Чакана товар айланмаси	9464,0	121,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	3053,0	120,6
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	14227,1	127,4
экспорт	8991,5	140,7
импорт	5235,6	109,5
Аҳоли пул даромадлари	16872,7	130,2
Аҳоли пул сарф-харажатлари ва жамғармалар	16572,8	130,7
Аҳолининг товар харид қилиш ва хизмат тўловлари пул сарф- харажатлари	12409,8	130,0
Иш қидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига), минг киши <sup>*)</sup>	27,4	94,3
шу жумладан, расман рўй- хатга олинган ишсизлар, минг киши	23,2	91,0

<sup>\*)</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари бўйича




## Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

2007 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) номинал қиймати 28186,2 млрд. сўмда баҳоланди. Унинг реал ҳажми ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 109,5 фоизни ташкил қилди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 79,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида (2006 йилга нисбатан 1,1 фоизга ортиқ), 20,7 фоизи давлат секторида ишлаб чиқарилди.

ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида




- Давлат мулки
- Нодавлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар мулки
- Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби 2007 йилда қуйидагича ифодаланади:

	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида		2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида.
	2006й.	2007й.	
Жами	100,0	100,0	109,5
шу жумладан:			
саноат	22,1	24,0	106,6
қишлоқ хўжалиги	24,1	21,7	106,1
қурилиш	5,1	5,5	115,7
транспорт ва алоқа	11,4	11,1	115,1
савдо	9,5	9,4	122,1
бошқалар	18,6	18,8	108,0
Маҳсулотлар ва экспорт– импорт операцияларига соф солиқлар	9,2	9,5	105,7

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Жорий йилда қўшилган қийматнинг физик ҳажм индекси саноат (106,6 фоиз), коммуникация (115,1 фоиз) ва савдо (122,1 фоиз) тармоқларида юқори булганлиги ЯИМнинг ўсишига салмоқли таъсир кўрсатди.

ЯИМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 45,7 фоизи кичик тад-биркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан мос равишда 3,6 фоизга кўп. Шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ЯИМнинг 27,4 фоизи ишлаб чиқарилиб, 2006 йилга нисбатан 3,9 фоизга кўп бўлди.

Андижон (110,9 фоиз), Самарқанд (110,5 фоиз), Қашқадарё (109,8 фоиз) вилоятларида ва Тошкент(114,7 фоиз) шаҳрида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари юқори бўлди.

### Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотла-рига кўра, 2008 йилнинг 1 январ ҳолатига иқтисодиётнинг барча тар-моқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 468,8 мингтага ет-ди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 436,5 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,1 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 60,0 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (14,2 фоизи), саноат (6,0 фоизи) ва қурилиш (4,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2008 йилнинг 1 январ ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисба- тан фо- изда	минг бирлик	якунга нисба- тан фо- изда
<b>Жами</b>	<b>468,8</b>	<b>100</b>	<b>436,5</b>	<b>100</b>
шу жумладан:				
саноат	28,2	6,0	22,6	5,2
қишлоқ хўжалиги	281,2	60,0	277,3	63,5
қурилиш	19,3	4,1	15,6	3,6
транспорт ва алоқа	6,0	1,3	5,4	1,2
савдо ва умумий овқатланиш	66,7	14,2	52,5	12
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	18,5	4,0	16,7	3,8

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисба- тан фо- изда	минг бирлик	якунга нисба- тан фо- изда
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,0	0,6	2,6	0,6
соғлиқни сақлаш, жисмоний тар- бия, спорт ва ижтимоий таъминот таълим	9,3	2,0	8,7	2,0
маданият ва санъат фан ва илмий хизмат кўрсатиш	13,0	2,8	12,8	3,0
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	1,8	0,4	1,6	0,4
	1,1	0,2	0,9	0,2
	20,7	4,4	19,8	4,5



Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 93,0 фоизи нодав-  
лат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 56,4 фоизи фермер ва  
деҳқон хўжаликлари, 21,0 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл  
сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамият-  
лари, 21,3 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахс-  
лар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январ ҳолатига;  
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2006й.

2007й.




- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари
- Акциядорлик жамиятлари
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
- Бошқа мулкчилик шакллари

2007 йилда 65,3 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Фарғона (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,8 фоизи), Самарқанд (11,6 фоиз) ва Андижон (10,4 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

2007 йил январ–декабрда ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2007 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 45,7 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2006 йилда 42,1 фоиз), шу жумладан 7,2 фоизи кичик корхоналар, 20,2 фоиз микрофирмалар ва 18,3 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик сектори иқтисодиётдаги жами бандларнинг 72,3 фоизи (7762,8 минг киши) бандлигини таъминлади. Банд бўлганларнинг катта қисми – 53,1 фоизи (5707,2 минг киши) хусусий сектор ҳамда – 19,2 фоизи (2055,6 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 35,9 фоизга ўсди ва 2366,5 млрд. сўмни (республика саноат ишлаб чиқаришининг 12,9 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 10,2 фоизга ўсиб, 8763,8 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 97,5 фоизи) ташкил қилди.

Республика иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 19,9 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди, қурилиш ишларининг 53,7 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектларининг автомобил транспортида юк айланмаси 13,7 фоизга ошди ва республика автомобил транспорти юк айланмасининг 70,0 фоизини, йўловчи айланмаси эса 13,6 фоизга кўпайиб, умумий йўловчи айланмасининг 85,4 фоизини ташкил этди.


Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 47,2 фоизи ёки 4463,8 млрд. сўми (ўсиш 24,9 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 50,5 фоизи ёки 1542,8 млрд. сўми (19,9 фоизга ўсган) кичик тадбиркорликда шаклланди.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси республика ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 21,7 фоизини ташкил қилди. Жорий йилда 1333,5 млн. АҚШ доллари ёки экспорт умумий ҳажмидан 14,8 фоизи миқдорида маҳсулот экспорти ва 1746,8 млн. АҚШ доллари ёки умумий импортнинг 33,3 фоизи миқдорида маҳсулот импорти кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 1396,1 млрд. сўмни, халқаро молия институтларининг кредит тизими бўйича – 23089,6 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2007 йилда кичик тадбиркорлик маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	924,0	39,1
Қишлоқ хўжалиги	8763,8	100
Қурилиш	911,7	65,5
Чакана савдо	3579,1	80,2
Пуллик хизмат	1232,1	79,9
Юк ташиш, млн.тн	233,0	92,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	3295,4	96,8
Экспорт, млн.АҚШ долл.	487,0	36,5
Импорт, млн. АҚШ долл.	385,7	22,1

## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулки қўмитасининг маълумотларига кўра, 2007 йилда Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурига асосан, 631 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилган.

Энг кўп объектлар Тошкент шаҳрида (хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 25,8 фоизи), Тошкент (17,1 фоиз), Фарғона (7,6 фоиз), Наманган (7,3 фоиз) ва Андижон (6,3 фоиз) вилоятларида хусусийлаштирилган.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида катта улушни маҳаллий ҳокимиятлар (39,6 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (10,6 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (6,8 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (5,6 фоиз), «Ўзбекнефтгаз» МХК (5,4 фоиз) объектлари ташкил қилади.

2007 йилда вазирлик ва идоралар бўйича хусусийлаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Хусусийлаштирилган объектлар сони	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	631	100
шу жумладан:		
Маҳаллий ҳокимиятлар	250	39,6
Халқ таълими вазирлиги	67	10,6
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	43	6,8
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	35	5,6
"Ўзбекнефтгаз" МХК	34	5,4
Бошқалар	202	32,0

2006 йилда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 111,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Пул маблағларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида (хусусийлаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 47,0 фоизи), Тошкент (30,2 фоиз), Хоразм (5,0 фоиз) ва Сирдарё (4,9 фоиз) вилоятларида олинди.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2007 йилда республиканинг ташқи савдо айланмаси 14227,1 млн. АҚШ долларини ёки 2006 йилга нисбатан 127,4 фоизни ташкил қилди, шу жумладан экспорт 8991,5 млн. АҚШ долларини, импорт 5235,6 млн. АҚШ долларини (2006 йилга нисбатан мос равишда 140,7 ва 109,5 фоиз) ташкил қилди.

Ташқи савдо баланси ижобий 3755,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, шу жумладан МДҲ давлатлари билан – 1551,2 млн. АҚШ доллари, бошқа хориж мамлакатлари билан – 2204,7 млн. АҚШ доллари.


Республика ташқи савдо айланмаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

	(млн. АҚШ доллари)		
	2006й.	2007й.	2006 йилга нисбатан фо- из ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	11171,4	14227,1	127,4
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатлари	4746,1	6994,8	147,4
бошқа хориж мамлакатлари	6425,3	7232,3	112,6
Экспорт	6389,8	8991,5	140,7
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатлари	2685,5	4273,0	159,1
бошқа хориж мамлакатлари	3704,3	4718,5	127,4
Импорт	4781,6	5235,6	109,5
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатлари	2060,6	2721,8	132,1

(млн. АҚШ доллари)

	2006й.	2007й.	2006 йилга нисбатан фо- из ҳисобида
бошқа хориж мамлакатлари	2721,0	2513,8	92,4

Ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши қуйидагича ифодаланади:




Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2006й.	2007й.	2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>140,7</b>
пахта толаси	17,2	12,5	102,8
озиқ-овқат маҳсулотлари	7,9	8,5	150,7
улардан истеъмол моллари	7,2	8,0	156,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,6	6,8	172,4
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	13,1	20,2	216,7
қора ва рангли металллар	12,9	11,5	125,4
машина ва ускуналар	10,1	10,4	144,3
хизматлар	12,1	10,7	124,6
бошқалар	21,1	19,4	129,1
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>109,5</b>

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2006й.	2007й.	2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
озиқ-овқат маҳсулотлари	7,7	7,9	112,7
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган истеъмол маҳсулотлари	4,6	3,9	93,3
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	13,8	14,8	117,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	4,2	3,3	87,7
қора ва рангли металллар	6,7	8,3	136,4
машина ва ускуналар	47,0	46,6	108,5
хизматлар	8,4	7,4	96,8
бошқалар	12,2	11,7	104,4

#### Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	28,4	139,7
Қозоғистон	8,4	163,3
Украина	7,5	169,0
Туркия	5,3	100,6
Хитой	5,3	102,0
Корея	4,1	82,2
Эрон	4,1	88,7
Швейцария	3,0	6,4р.
Германия	2,3	84,9
Франция	2,3	2,4р.
Афғонистон	2,3	2,0р.
Тожикистон	1,5	111,8
АҚШ	1,4	79,1
Қирғизистон	1,2	158,3
Буюк Британия	1,1	61,9
Латвия	0,9	139,3
Белоруссия	0,8	164,6
БАА	0,7	82,2
Туркменистон	0,6	187,1
Ҳиндистон	0,5	104,7
Япония	0,5	95,5
Австрия	0,5	144,2
Озарбайжон	0,4	106,0
Нидерландия	0,4	135,1
Италия	0,4	109,9
Бельгия	0,3	89,6




Ҳисобот даврида Ўзбекистон жаҳоннинг 157 мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 87 мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.

2007 йилда МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

### Экспорт



### Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

## Саноат

2007 йилда 18314,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, ёки 2006 йилга нисбатан 112,1 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 5312,4 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2006 йилга нисбатан 118,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2056,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 3256,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (ўтган йилга нисбатан мос равишда 113,2 фоиз ва 122,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2007 йилда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2006 йилга нисбатан фо- из ҳисобида
<b>Жами</b>	18314,7	112,1
<b>шу жумладан:</b>		
<b>электроэнергетика</b>	1718,7	101,9
<b>ёқилғи</b>	3288,4	110,1
<b>қора металлургия</b>	446,6	112,7
<b>рангли металлургия</b>	2888,1	101,3
<b>кимё ва нефт-кимё саноати</b>	887,6	118,4
<b>машинасозлик ва металлни     қайта ишлаш</b>	2755,8	129,0
<b>ўрмон, ёғочни қайта ишлаш     ва целлюлоза-қоғоз саноати</b>	171,0	136,1
<b>қурилиш материалари саноати</b>	970,9	114,5
<b>енгил саноат</b>	2574,1	108,6
<b>озиқ-овқат саноати</b>	1644,6	114,7
<b>Истеъмол товарлари</b>	5312,4	118,8
<b>шу жумладан:</b>		
<b>озиқ-овқат маҳсулотлари</b>	2056,2	113,2
<b>ноозиқ-овқат маҳсулотлари</b>	3256,2	122,5

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2007 йилда асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш

	2007й.	2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ёқилғи–энергетика саноати</b>		
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	48950	99,3
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	20,4	99,4
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	4,9	91,7
Бензин, минг тн	1405,9	102,7
Дизел ёқилғи, минг тн	1393,8	96,7
Мазут, минг тн	688,5	76,9

	2007й.	2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Керосин, минг тн	300,0	83,6
Мой, минг тн	302,3	118,1
Суюқлантирилган газ, минг тн	237,6	106,5
<b>Қора металлургия саноати</b>		
Пўлат, минг тн	656,4	104,6
Тайёр прокат, минг тн	619,6	105,8
<b>Кимё ва нефт–кимё саноати</b>		
Минерал ўғитлар , минг тн	1022,1	108,6
Сунъий аммиак, минг тн	1224,0	107,3
Карбамид, минг тн	430,4	101,9
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари , тн	1909	85,8
Олтингугурт кислотаси , минг тн	976,9	117,1
Кимёвий тола ва иплар, тн	15703	136,4
Сирка кислотаси, тн	9690	111,1
Кальцийлаштирилган сода, минг тн	46,7	3,6р.
<b>Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати</b>		
Енгил автомобиллар, дона	171809	122,7
Автобуслар, дона	1116	10,3р.
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млн.сўм	103959,4	124,6
Тракторлар, дона	2411	82,9
Трактор культиваторлари, дона	1562	99,4
Компрессорлар, дона	84	150,0
Аккумуляторлар, минг дона	443	118,1
Телевизорлар, дона	93527	103,3
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	10774	2,1р.
Кабель маҳсулотлари, млн.сўм	107977	136,8
Ўтказиш симлари, км	8262	137,9
Шаҳар телефон алоқаси кабеллари, км	11620	99,2
<b>Қурилиш материаллари саноати</b>		
Цемент, минг тн	6042,5	108,2

	2007й.	2006 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Шифер, млн. шартли плитка	487,9	116,9
Юмшоқ том материаллари ва изол, млн. кв. м	7,4	42,5
Йиғма темирбетон конструкциялари ва деталлар, минг куб. м.	165,4	93,9
<b>Шиша ва фарфор-фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати</b>		
Фарфор-фаянс буюмлар, млн. сўм	2251,2	59,8
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	11952,0	113,3
Бутилкалар, млн. дона	296,7	114,1
<b>Енгил саноат</b>		
Пахта толаси, минг тн	1125,4	96,1
Чигит, минг тн	1753,5	94,8
Пахта линти, минг тн	81,6	97,2
Ипак тола, тн	486,5	83,0
Бир ипли тўқима ип газлама, минг тн	150,3	104,4
Газлама – жами, млн. кв. м	160,5	80,2
Трикотаж маҳсулотлари, минг дона	30883	94,0
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	9846	103,1
<b>Озиқ-овқат саноати</b>		
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тн	16,4	105,7
Консервалар, млн. шартли банка	112,9	80,1
Шакар, минг тн	170,9	100,2
Ўсимлик ёғи, минг тн	277,5	96,7
Макарон маҳсулотлари, минг тн	17,5	102,1
Ароқ ва ароқ-ликер маҳсулотлари, минг дал	7667	128,0
Вино, минг дал	2496	109,4
Пиво, минг дал	10413	105,3
Маъданли сув, млн. ярим литр	169,3	133,8
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	8729	110,4

2007й. 2006 йилга  
нисбатан фоиз  
ҳисобида

Ун-ёрма ва омихта ем саноати

Ун, минг тн	1440,7	106,1
Ёрма, минг тн	2,3	14,7
Омихта ем, минг тн	600,5	121,7

Қишлоқ хўжалиги


2007 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8988,9 млрд. сўмни ёки 2006 йилга нисбатан 106,1 фоизни ташкил қилди, шу жумладан деҳқончилик маҳсулотлари 4951,0 млрд. сўм (107,0 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 4037,9 млрд. сўмни (105,1 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 55,1 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари эса – 44,9 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 99,8 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. 2007 йилда барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3561,0 минг га.ни ташкил қилди.

Жами 1538,9 минг гектар ерга донли экинлар экилиб, ўтган йилга нисбатан 95,1 фоизни ташкил қилди, ундан буғдой 1382,8 минг гектарни (95,5 фоиз) ташкил этди.

1451,6 минг гектар ерга пахта экилиб, ўтган йилга нисбатан 100,2 фоизни ташкил қилди

Картошка экин майдони 6,5 фоизга, сабзавот экин майдони 3,5 фоизга, полиз экинларининг экин майдони 1,9 фоизга ошди. Озуқа экинларининг майдони 2,1 фоизга камайди ва 290,3 минг гектарни ташкил қилди, уларнинг майдони умумий экин майдонининг 8,2 фоизини ташкил қилди.

2007 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 6771,8 минг тонна дастлабки кирим қилинган вазнда дон ишлаб чиқарилган, шу жумладан 6325,9 минг тонна бошоқли дон экинлари, шундан 6197,4 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилган.


Барча тоифадаги хўжаликларда донли экинлар ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

	2006й.		2007й.	
	минг тн	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда	минг тн	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами	6655,1	100,0	6771,8	100,0
шу жумладан:				
буғдой	6099,3	91,7	6197,4	91,5
дон учун маккажўхори	194,2	2,9	205,5	3,0
шоли	224,0	3,3	197,7	2,9
бошқалар	137,6	2,1	171,2	2,6

Ҳисобот йилида давлатга 3715,8 минг тонна пахта хом-ашёси сотилди, бу топшириққа нисбатан 103,2 фоиз ва 2006 йилга нисбатан 103,2 фоизни ташкил этади.

Барча тоифадаги хўжаликларда дон экинларининг турлари бўйича таркиби:

йиғилган жами ҳосилга нисбатан фоизда




2007 йилда 1188,1 минг тонна картошка қазиб олинди (2006 йилга нисбатан 16,4 фоизга кўп), 4669,9 минг тонна сабзавот (8,8 фоизга), 840,0 минг тонна полиз экинлари (12,9 фоиз), 1269,1 минг тонна мева ва резаворлар (7,3 фоиз) ва 880,3 минг тонна узум (9,6 фоиз) етиштирилди.

Деҳқончилик маҳсулотлари асосий турларининг хўжаликлар бўйича таркиби:

фоиз ҳисобида





**Чорвачилик.** 2008 йилнинг 1 январига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар 7458,1 минг бошни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 413,5 минг бошга ёки 5,9 фоизга, шу жумладан сигирлар—142,1 минг бошга (4,8 фоизга), қўй ва эчкилар—576,4 минг бошга (5,0 фоизга), чўчқалар — 2,6 минг бошга (2,8 фоизга), паррандалар—1911,5 минг бошга (7,9 фоизга) кўпайди.

Йирик шохли қорамоллар умумий сонидан 93,1 фоизи деҳқон хўжаликларида, 5,6 фоизи фермер хўжаликларида, сигирлар мос равишда — 94,7 ва 4,4 фоизи, қўй ва эчкилар — 76,0 ва 6,9 фоизи, чўчқалар 70,8 ва 16,8 фоизи, паррандалар — 68,2 ва 5,0 фоизи мавжуд бўлди.

2007 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 1208,6 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 6,1 фоизга кўп), 5097,4 минг тонна сут (5,0 фоизга кўп), 2214,7 млн. дона тухум (4,1 фоизга кўп), 22,4 минг тонна жун (4,4 фоизга кўп), 780,4 минг дона қоракўл тери (7,4 фоизга кўп), 21,5 минг тонна пилла (6,0 фоизга кўп) етиштирилди

2007 йилда асосий чорвачилик маҳсулотлари хўжаликлар бўйича ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:


	2006й.	2007й.	2007 йил 2006 йилга нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1139,6	1208,6	106,1
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	37,1	31,3	84,4
фермер хўжаликлари	24,2	30,0	124,0
деҳқон хўжаликлари	1078,3	1147,3	106,4
Сут, минг тн.	4855,6	5097,4	105,0
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	35,4	22,3	62,9
фермер хўжаликлари	111,1	125,4	112,8
деҳқон хўжаликлари	4709,1	4949,7	105,1
Тухум, млн. дона	2128,1	2214,7	104,1
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	773,4	743,1	96,1
фермер хўжаликлари	76,7	88,4	115,4
деҳқон хўжаликлари	1278,0	1383,2	108,2
Жун, тн.	21436	22386	104,4
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	3236	2868	88,6
фермер хўжаликлари	895	1146	128,0
деҳқон хўжаликлари	17305	18372	106,2
Қоракўл тери, минг дона	726,8	780,4	107,4
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	218,5	244,4	111,9
фермер хўжаликлари	31,5	36,5	115,4
деҳқон хўжаликлари	476,8	499,5	104,8
Кокони, тыс.т	20,2	21,5	106,0
шу жумладан:			

	2006й.	2007й.	2007 йил 2006 йилга нисбатан фоизда
қишлоқ хўжалик корхоналари	3,8	0,5	14,2
фермер хўжаликлари	13,9	18,2	130,8
деҳқон хўжаликлари	2,5	2,8	112,0

Деҳқон хўжаликларининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 97,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда – 62,5 фоизни, жун ишлаб чиқаришда – 82,2 фоизни, қорақўл териси ишлаб чиқаришда – 64,0 фоизни ташкил этди.

Хўжаликлар тоифалари бўйича чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

жами ишлаб чиқаришга нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2008 йилнинг 1 январ ҳолатига фаолият юритаётган фермер хўжаликларинг сони 217,1 мингтага етди. Уларнинг сони йил давомида 27,9 мингтага кўпайди. Фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 1621,4 минг кишини, шундан ёлланма ишчилар сони 456,1 минг кишини ташкил этди.

Фермер хўжаликларига бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 5787,8 минг гектарни ташкил этиб, ҳар бир хўжаликка ўрта ҳисобда 26,7 гектардан тўғри келди.

Фермер хўжаликлари экин майдонлари 2006 йилга нисбатан 10,7 фоизга кўпайди, шунингдек уларнинг деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши кўпайди. Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши амалдаги нархларда 2007 йилда 34,7 фоизни ташкил қилди, 2006 йилда ушбу кўрсаткич 31,4 фоиз бўлган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2006й.		2007й.		2006 йилга нисба- тан фоиз ҳисоби- да
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмида ги улуши, фоиз	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаг и улуши, фоиз	
Донли экинлар	4742,2	71,3	5404,2	79,8	114,0
шу жумладан:					
буғдой	4476,2	73,4	5094,9	82,2	113,8
дон учун маккажўхо- ри	44,3	22,8	63,4	30,9	143,2
шоли	160,4	72,8	166,1	84,0	101,6
Пахта	3110,3	86,4	3655,7	98,4	117,5
Картошка	108,3	10,6	178,2	15,0	164,4
Сабзаотлар	1305,4	30,4	1552,1	33,2	118,9
Полиз экинлари	325,7	43,8	415,4	49,5	127,5
Мевалар	487,9	41,3	580,0	45,7	118,9
Узум	408,3	50,8	480,0	54,5	117,6
Гўшт, тирик вазнда	24,2	2,1	30,0	2,5	124,0
Сут	111,1	2,3	125,4	2,5	112,8
Тухум, млн. дона	76,7	3,6	88,4	4,0	115,4
Тери, тонна	895,0	4,2	1146,0	4,9	128,0

	2006й.		2007й.		2006 йилга нисба- тан фоиз ҳисоби- да
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмида ги улуши, фоиз	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаг и улуши, фоиз	
Қоракўл, минг дона	31,5	4,3	36,5	4,7	115,4
Пилла, минг тонна	13,9	68,5	18,1	84,2	130,8

2007 йилда фермер хўжалиklarининг улуши дон ишлаб чиқаришда 79,8 фоиз (2006 йилда – 71,3 фоиз), пахта етиштиришда 98,4 фоизни (86,4 фоиз), картошка қазиб олишда 15,0 фоизни (10,6 фоиз), сабзавот етиштиришда 33,2 фоизни (30,4 фоиз), полиз экинларини етиштиришда 49,5 фоизни (43,8 фоиз), мева етиштиришда 45,7 фоизни (41,3 фоиз), узум етиштиришда 54,5 фоизни (50,8 фоиз), пилла етиштиришда 84,2 фоизни (68,5 фоиз) ташкил қилди.

**Услуги машинно-тракторных парков.** В январе-декабре машинно-тракторными парками оказано сельхозпредприятиям, фермерским и дехканским хозяйствам услуг на сумму 108,5 млрд.сум.

Из общего объема оказанных услуг машинно-тракторными парками 28,5 процента приходится на уборку зерновых культур, 20,4 процента - на вспашку земель, 15,8 процента - за поставку запасных частей, 7,7 процента за ремонт грузовых автомобилей и сельхозтехники и др.

## Инвестициялар ва қурилиш

2007 йилда республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 5479,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати 2006 йилга нисбатан 122,9 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

(яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)

**Шу жумладан молиялаштириш манбалари  
бўйича**

	<b>Жами инвести циялар, млрд. сўм</b>	<b>рес- пуб- лика бюдже- ти</b>	<b>кор- хоналар ва аҳо- ли маб- лағлари</b>	<b>чет эл инвес- тиция- лари ва кредит- лари</b>	<b>банк кредит- лари ва бошқа қарз маб- лағлари</b>	<b>бюд- жетдан ташқар и фонд- лар маб- лағлари</b>
<b>Жами</b>	5479,7	9,0	59,0	22,8	3,1	6,1
<b>шу шумладан мулкчилик шакллари бўй- ича:</b>						
<b>давлат</b>	1627,6	30,1	33,6	15,4	0,6	20,3
<b>нодавлат</b>	3852,1	0,1	69,7	25,9	4,2	0,1

**Иқтисодиётнинг тармоқларида асосий капиталга киритилган ин-  
вестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:**

	<b>2007 йил</b>	
	<b>млрд. сўм</b>	<b>умумий ҳажмга нисбатан фоизда</b>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар – жами</b>	5479,7	100,0
<b>Ишлаб чиқариш тармоқлари</b>	3840,3	70,1
<b>саноат</b>	2013,8	36,8
<b>шу жумладан:</b>		
<b>ёқилғи–энергетика</b>	1116,5	20,4
<b>металлургия</b>	355,9	6,5
<b>кимё ва нефт–кимё саноати</b>	67,3	1,2
<b>машинасозлик</b>	94,0	1,7
<b>енгил саноат</b>	145,8	2,7
<b>озиқ–овқат</b>	109,9	2,0
<b>қурилиш материаллари</b>	71,5	1,3

	<b>2007 йил</b>	
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
қишлоқ хўжалиги	180,8	3,3
қурилиш	67,5	1,2
транспорт ва алоқа	1249,8	22,8
савдо ва умумий овқатланиш	93,8	1,7
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	234,6	4,3
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	1639,3	29,9
уй–жой қурилиши	633,0	11,5
коммунал хўжалик	107,1	2,0
соғлиқни сақлаш	73,4	1,3
таълим	686,4	12,5
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	139,4	2,6



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди ва 3840,3 млрд. сўмни ёки жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 70,1 фоизини ташкил қилди, ноишлаб чиқариш тармоқларида 1639,3 млрд. сўм ёки жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 29,9 фоизини ташкил қилди.

Использование иностранных инвестиций и кредитов в отдельных отраслях экономики характеризуется следующими данными:

в процентах к общему объему  
иностраных инвестиций и кредитов

2006й.

2007й.



- Ўқилғи
- Машинасозлик
- Енгил
- Озиқ- овқат
- Қишлоқ хўжалиги
- Транспорт ва алоқа
- Коммунал қурилиш
- Соғлиқни сақлаш
- Бошқа тармоқлар

### Строительство объектов социальной сферы

Из общего объема инвестиций непроизводственной сферы в жилищном строительстве освоено 633,0 млрд. сум., или 38,6 процента от их объема.

В январе-декабре т.г. построены и сданы в эксплуатацию 59,4 тыс. квартир общей площадью 6964,5 тыс. кв. м (107,4 процента к уровню января-декабря 2006 года), в том числе в сельской местности – 6112,4 тыс. кв. м (106,9 процента).

В сфере образования использовано инвестиций в объеме 686,4 млрд. сум или 41,8 процента от общего объема инвестиций в непроизводственную сферу.

В январе-декабре т.г. в общеобразовательных школах введены на 212,4 тыс. ученических мест (122,9 процента к соответствующему периоду 2006 года), в том числе в сельской местности – 178,4 тыс. ученических мест (122,3 процента). Из общего числа введенных ученических мест, на реконструированные школы приходится 189,8 тыс. ученических мест, в том числе в сельской местности – 161,8 тыс. ученических мест, что составило соответственно 127,2 и 125,1 процентов к уровню соответствующего периода прошлого года.



Завершен капитальный ремонт 671 общеобразовательной школы общей мощностью 374,7 тыс. ученических мест.

